

ЧЎЛПОН ПУБЛИЦИСТИКАСИГА ДОИР: ЯНГИ АНИҚЛАНГАН ИККИ МАҚОЛАСИ ҲАҚИДА

Дилдорахон Зумратбековна Абдуллаева

Андижон давлат университети доценти, филология фанлари доктори

Искандаршоҳ Абдулвосит ўғли Мадгазиев

Андижон давлат университети ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мақолада ўзбек жадид шоири Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг публицистик фаолияти, чўлпоншуносликда унинг илгари маълум бўлмаган икки мақоласи, Чўлпоннинг “Вақт” газетаси билан алоқаси ёритилади.

Калит сўзлар: жадид матбуоти, Чўлпон публицистикаси, “Вақт” газетаси, Чўлпоннинг публицистик мақолалари, Чўлпоннинг янги аниқланган мақоласи.

ABSTRACT

The article covers the publicist activities of Abdulhamid Suleyman Ogli Chulpan, the Uzbek poet of jadid, his two previously unknown articles in the field of Chulponology, the connection of Chulpan with the "Time" newspaper.

Keywords: jadid press, Chulpon publicist, newspaper "Time", publicist articles of Chulpon, newly identified article of Chulpon.

КИРИШ

XX аср бошларида шаклланган ўзбек жадидчилик ҳаракати учун адабиёт, матбуот, театр кабилар жадид ғояларини оммалаштиришнинг асосий соҳаларидан эди. Айниқса, матбуот нашрлари жадид зиёлиларининг илғор фикрлари, давр янгиликларига бўлган муносабатини ёритишда қулай восита ҳисобланган. Ўзбек публицистикасининг пайдо бўлиши ва ривожланиши, тараққий этишида ҳам жадидларнинг ўрни катта бўлган. Хусусан Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон жадид матбуотининг пайдо бўлиши ва ривожланишида ўз мақолалари билан катта ҳисса қўшган публицист ҳам эди. Чўлпоннинг ижтимоий-сиёсий, маданий, адабий, оммабоп мақолалари ўша давр адабий-

маданий ҳаётини акс эттирган, бу эса ўзбек публицистикасининг тадрижини ўрганишда бугунги кунда ҳам муҳим ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Жадид шоири, адиб, драматург, таржимон Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон публицист сифатида ҳам ижод қилган эди. Унинг ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига, адабиётга доир мақолалари адабиётшуносликда бир қадар ўрганилган. Адабиётшунослардан Б.Дўстқораев [11], Э.Умаров [10], Д.Қуронов [14], Д.Неъматова [13] Чўлпоннинг публицистик мақолаларини топиб нашр қилдилар. С.Йўлдошбекова “Чўлпоннинг публицистик ва муҳаррирлик фаолияти” мавзуида номзодлик диссертациясини ёзди [5]. С.Аҳмедов [2], А.Бозоров [3], Т.Фидойи[9]ларнинг ҳам бу борадаги ишлари аҳамиятга молик. Н.Йўлдошев [4], Ш.Соатова [8], Д.Неъматова[7]ларнинг тадқиқотлари ҳам Чўлпон публицистикасини ўрганишда алоҳида аҳамиятга сазовор. Мазкур ишларда Чўлпон публицистикасига доир қимматли фикр-мулоҳазалар мавжуд. Бироқ, Чўлпоннинг публицистик фаолиятининг илк даврига оид масала кам тадқиқ этилган. Зеро Чўлпон публицистик меросининг ҳали аниқланмаган кирралари мавжуд.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон публицистик қобилиягининг шаклланиши унинг ёшлик чоғларидан бошланган. У ҳали ўсмир ёшидан жадидчиликка қизиққан, турк, татар матбуоти билан танишган. Жадид ғояларини акс эттирувчи газеталарни ўқир, ўзи ҳам илк мақолаларини ёза бошлаган эди. Чўлпон оиласида жадид газеталарининг мутолаа қилиниши ҳақида адиб Мўминжон Мухаммаджоновнинг “Турмуш уринишлари”да маълумот берилади. Асада муаллифнинг Чўлпон хонадонида меҳмон бўлгани, Чўлпоннинг “ўн етти, ўн саккиз ёшлар чамасидаги, оқ чўтири, барвастадан келган бир йигитча экан”и [6;130] тавсифланади. Чўлпоннинг отаси Сулаймонқул баззоз ҳақида “...дадаси эски мадрасани битирган, ҳар куни газета ўқиб олам ишларидан хабардор бўлиб турадиган бир киши экан. “Вақт” ва “Таржимон” газеталарини ўқир экан”, деб ёзади. Бундан Чўлпон ҳам ушбу газеталарни ўқиган деган хулоса келиб чиқади, албатта. Мўминжон Мухаммаджоновнинг қуида берган маълумотлари ҳам Чўлпоннинг матбуот билан яқиндан алоқада эканини исботлайди: “Абдулҳамид ҳар кун хусусий

равиша русча ўқир эди. Татаристон, Озарбайжон, Ҳиндистонда чиқадиган ҳамма газета ва журналларга муштарий бўлиб, русча газеталарни ҳам ўқиб турар эди” [6;130].

Жадид адиблардан Аҳмад Закий Валидий Тўғон Туркистонга илмий сафари ҳақида ёзганда Чўлпон ҳақида эслаб шундай дейди: “Туркистонда танишганим шахслар орасида Назир Тўрақул билан Абдулҳамид Сулаймон (Чўлпон) менга алоҳида яқин дўстлар бўлдилар” [1;34]. Маълум бўлишича, Назир Тўрақулов қўлига тушган китобларни танлаб эмас, балки бирваракайига ўқир, Аҳмад Закий Валидий Тўғон эса унга “инсон ўзининг қисқа умрида китобларни муайян бир мақсадда ўқиши кераклигини, одам шу вақтдагина ютуққа эришажагини” [1;35] айтади. Назир Тўрақулов Аҳмад Закий Валидий Тўғоннинг бу фикрини “ўн беш ёшли ўсмир Чўлпон онгига сингдиришга ҳаракат қилган” экан. Аҳмад Закий Валидий “Назир ўша пайтда ватанпарвар туркчи эди. Истанбулда чиқадиган “Турк юрти”ни ўқирди” деб ёzádi. Чўлпоннинг журналистик ва муҳаррирлик фаолиятини ўргангандан С.Йўлдошбекова бу ҳақда тўхталиб: “Бундан 1914 йилда Туркистонга Туркияда чиқадиган “Турк юрти” журнали ҳам келиб тургани билинади. Бу журнални, эҳтимол, Абдулҳамид ҳам ўқиб турган бўлиши мумкин”, деб ёzádi [5;13]. Дарҳақиқат, Чўлпоннинг Аҳмад Закий Валидийга хат ёзиб, уни уйига таклиф қилгани, Назир Тўрақулов билан яқиндан, дўстона муносабатига кўра Чўлпон улар билан фикр алмасиб тургани, жадид матбуотидан ҳам хабардор бўлиб тургани, газета ва журналлар билан алоқа боғлаб турганини хulosса қилиш мумкин.

Чўлпон публицистикасини ўргангандан олимлар унинг “Вақт” газетасига ҳам мақолалар ёзиб юбориб турганини тахмин қиласар эдилар. “Вақт” татар миллий матбуот нашри бўлиб, у Оренбургда чоп этилар эди. Газетанинг ilk сони 21 февраль, 1906 йилда нашрдан чиқсан. Унинг ношири Оренбургнинг йирик олтин ишлаб чиқарувчи савдогар меценатлари ака-ука Зокир ва Шокир Рамеевлар эди. Зокир Рамеев Оренбург губерняси давлат Думасининг аъзоси бўлган. Газета тез орада татар жамиятининг обрўли, харидоргир нашрига айланади. “Вақт” газетаси 1918 йилда ёпилади. Бу давргача газетанинг 2309 та сони нашр этилган эди. Газета таълим, тил ва адабиёт, маданият, мусиқа санъати, давлат мактабларидағи таълим масалаларини ёритар эди [15].

Чўлпоннинг “Вақт”, “Таржимон” газеталарини мутолаа қилганини “Кеча ва кундуз” романидаги Мирёқуб ва Шарофиддин Хўжаевларнинг сұхбатидан

ҳам англаш мумкин. Шарофиддин Хўжаев Мирёқубга танбех бериб шундай дейди: “Фақат биргина айбингиз шуки, замон аҳволидан хабардор эмассиз. Газет ўқимайсиз. Шу замонда мундан ёмон гуноҳ борми? Қандай яхши газеталар бор. Оренбургда, Қозонда, Уфада, Бокуда, Астраханда, айниқса, Москавда, уруш битгандан кейин четдан олдириб ўқинг! Боқчасаройга беш сўм пул юборсангиз, бир йилгача ҳар куни “Таржимон” келади” [12;194]. “Таржимон” газетаси билан таништирас экан, бу матбуот нашрининг “жадид газетларининг отаси, И smoил бобойнинг газети, энг эски газет” эканлигини таъкидлайди. Шарофиддин Хўжаев И smoил Гаспиринскийнинг “Тилда, фикрда, ишда бирлик!” шиорини эслатар экан, “Бойларнинг ерлари, заводчиларнинг заводи, фабрикачиларнинг фабрикалари билан бизнинг ишимиз йўқ. У уларнинг ўз ишлари. Биз ўқийдиган газетларнинг ҳеч бири унда демайди. Улар қайта: “Бой бўл! Завод сол! Фабрика оч! Беш минглаб, ўн минглаб рабочи ишлат! Миллий саноатни ривожлантири!” – дейди. “Вақт” газетасининг мутасаддиси ким? Рамеев. Биласизми, у ким? У миллиончи. Тилла конлари бор. Жадидлардан қўрқманг”, дейди [12;194]. Мирёқуб Москвага боргунга қадар Шарофиддин Хўжаевнинг таъсирида дунёқараш ўзгаради, газета ўқишни одат қиласди.

“Вақт” газетаси билан Чўлпоннинг танишлиги ва алоқаси ҳақида тахминлар бўлса-да, бироқ бу фикрнинг чўлпоншуносликда аниқ исботи мавжуд эмас эди. Бизнинг изланишларимизга қўра эса Чўлпоннинг “Вақт” газетасида иккита мақоласи чоп этилгани маълум бўлди. Биринчи мақола ахборот тарзида бўлиб, “Адабиёт кечаси” деб номланади ҳамда у мазкур нашрининг 1914 йил, 23 май (№1492) сонида [16] босилган. Хабар-мақоланинг остида муаллиф сифатида Чўлпон номи берилган. Унда Чўлпон Андижонда татар ёшлари томонидан адабиёт кечаси ўтказилишга тайёргарлик қилингани ҳақида маълумот беради. Тадбир ташкилотчиларининг ўзаро уюшмаганлиги учун ўтказилмай қолгани айтилади. Адабиёт кечаси ўтказилса, шу каби жамоат ишларига маблағ ажратилишидан умид қилган эдик, деб ёзади Чўлпон. Ёшларнинг арзимас нарса учун тортишиб қолганидан кечанинг ўтказилмай қолишига таассуф билдирамиз, дейди муаллиф.

Иккинчи мақола биринчисига қараганда ҳажман каттароқ бўлиб, “Туркистонда тартибли мактаблар” деб номланади. Мақола “Вақт” газетасининг 1915 йил, 15 июль (№1822) сонида [17] чоп этилган. Мақолада Чўлпон сўнгги вақтларда Туркистонда тартибли мактабларга яхшигина эҳтиёж

сезила бошлаганини айтиб ўтади. Шаҳар ва қишлоқларда мактабнинг кераклигини била бошладилар, дейди. Андижоннинг ўзида кўнгилдагидай мактаб бўлмагани ҳолда Андижон уездига қарашли Жалолободда Тожризо Бадалий афанди томонидан уч шўъбали зўр бир мактаб очилгани таъкидланади. Мактабнинг ҳар томондан “ҳифзи сиҳатга” (санитария-гиgiene ҳолатларига) мос келгани ва зўр эканлиги, Чўлпонга ёқсанлиги айтиб ўтилади. Бу мактабга бир ўқитувчи олинниб янги усулда ўқитишга тайёрлангани ҳақида сўз юритади. Шулук уездига қарашли Избосканда ҳам Жўрабой афанди томонидан бир мактаб очилгани, Кўқондан ўқитувчи олиб келиниб 50-60 бола тартиб билан ўқитила бошлангани ҳақида баён қилинади. Бу мактабнинг ҳам “ҳифзи сиҳатга” (санитария-гиgiene ҳолатларига) мувофиқ эканлиги, бундай кенг, обод мактабнинг Андижон, Ўш ва Марғилон шаҳарларида йўқ эканлигини айтади. Мазкур мактабга Кўқондаги Камол қози томонидан қурилган мактаб рақобат қила олади, деган фикрни билдиради Чўлпон.

Яна Хўжанд уездига қарашли Ҳистивозда мактаб очилгани, Мадрасаи Олияда ўқиган Муҳаммаджон афанди ўқитувчи бўлиб келгани айтилади. Муҳаммаджон афандининг “Садои Туркистон” мухбирларидан эканига изоҳ берилади. Мақолада зикр этилган “Муҳаммаджон афанди” Мўминжон Муҳаммаджонов – Тошқин бўлиб, “Турмуш уринишлари”да “Садои Туркистон” газетасини Фарғона губернатори Иванов бошқатдан чиқаришга рухсат бермаганини” айтади. Сўнгра “Интибоҳи Туркистон” (“Туркистоннинг уйғониши”) номли газетани чиқаришга ижозат сўраб губернаторга ариза берилгани, бу аризани Мўминжон Муҳаммаджонов ёзиб, рус тилига Чўлпон таржима қилгани айтилади. Губернатор томонидан М.Муҳаммаджонов бўйича текширув ўтказилиб, охири газета чиқиши рад этилади. Шундан сўнг Чўлпон ва унинг отаси Сулаймонқул баззоз М.Муҳаммаджоновга Чўлпоннинг амакисига қарашли болаҳонасини мактаб қилиб очиб берадилар.

Кўринадики, Чўлпон ва Мўминжон Муҳаммаджоновлар матбуот ва жадид мактабларини ташкил этишда астойдил жонбозлик кўрсатганлар. Мактубларнинг очилиши ва у ердаги таълим шакли, шарт-шароит ҳақида Чўлпон алоҳида эътибор қаратади.

Шунингдек юқорида зикр этилган мақолада Чўлпон шаҳарларга нисбатан овул ва қишлоқларда аҳоли мактабга эҳтиёжни яхшироқ ҳис этаётганини қуидагича билдиради: “Муна шулардан очик кўринадирки, бу кун Туркистон овулларинда мактабка эҳтиёж шаҳарларга қараганда яхшироқ онглашилуб

борадир. Шаҳар кўбрак савдо ортиндан бора. Аммо овул халқи ҳақиқий илм ва ҳунар излий”. Шаҳар атрофидаги овулларда тартибли мактаблар бўлгани ҳолда Андижонда фақат иккита: 1. Зиёиддин афанди мактаби; 2. Тошкентлик Ҳасан қори мактаби борлиги ҳамда қолганлари қаноатланарли эмаслигини айтиб ўтади Чўлпон.

“Тартибли мактаблар” деганда Чўлпон янги усул мактабидаги ўкувчиларнинг ёшига қараб синфларга бўлиб ўқитиш методи ҳамда ўқитишдаги тартиботни назарда тутади. “Вақт” газетаси таълим соҳасидаги муаммо ва бошқа масалаларни ҳам кўп марталаб ёритган. Демак, Чўлпоннинг мазкур нашрларда яна мақолалари бўлиши эҳтимол қилинади.

ХУЛОСА

Чўлпон XX асрнинг бошларида пайдо бўлиб, ривожланган жадид публицистикасининг асосий сиймоларидан биридир. Чўлпоннинг болалик чоғидан оиласида жадид матбуоти нашрлари ўқилган, шу боис у газета ва журналларга ошно бўлиб, ўзининг жадид фикрларини матбуотда чоп эттирган. Унинг ўсмир чоғидан “Вақт”, “Таржимон”, “Сўз”, “Турк юрти” каби газета ва журналларни ўқиши ва бу матбуот саҳифаларида ўз мақолаларини чоп этиши жадид публицистикасининг ривожида катта роль ўйнади. “Вақт” газетасида Чўлпоннинг адабий тадбир ва мактаб таълими ҳақида босилган мақолаларидан унинг жадид ғояларини тарқатища газетани яхши восита деб билганини, мазкур матбуот нашри билан алоқада бўлганини айтиш мумкин. Унинг мақолалари фақат Туркистондагина эмас, Россия ўлкаларида ҳам чоп этилгани Чўлпон публицистикасининг масштаби кенглигини қўрсатади. “Вақт” газетасининг турли сонларида юқорида зикр этилган Чўлпоннинг икки мақоласидан ташқари мақолалар ҳам чоп этилгани тахмин қилинади. Шу боис ҳам Чўлпоннинг Оренбургга саёҳати, 1906-1918 йилларда Оренбургда чоп этилган “Вақт” газетаси билан алоқаси, газетанинг бош муҳаррири билан муносабати келгусида ўрганилиши зарур масалалардан бири ҳисобланади.

(Ушбу мақола бажарилиши 2021-2022-йилларга мўлжалланган А-ОТ-2021-57 рақамили “Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси манбаларининг электрон платформаси ва мобил иловасини яратиш” мавзусидаги амалий грант лойиҳаси доирасида тайёрланган.)

REFERENCES

1. Аҳмад Закий Валидий Тўғон. Бўлинганни бўри ер. – Т.: Адолат, 1997. – 280 б.
2. Аҳмедов С. Жасорат. Чўлпон ва жадидчилик. / Миллий тикланиш. 1997. 4 апрель.
3. Бозоров А. Чўлпон Бухорда. / ЎзАС. 1991. 21 июнь.
4. Йўлдошев Н. Чўлпон ҳаёти ва ижоди библиографияси. Т.: Университет, 1992. – 32 б.
5. Йўлдошбекова С. Чўлпоннинг публицистик ва муҳаррирлик фаолияти. Филол.фанлари... диссертацияси. – Т., 2002. – 1356.
6. Муҳаммаджонов М. Турмуш уринишлари. – Т., 1964. – 180 б.
7. Неъматова Д. Чўлпон публицистик асарларининг лингвистик таҳлили. – Т.: Турон замин-зиё, 2016. – 128 б.
8. Соатова Ш. Чўлпон. Туркистонга илм нурин сочар эдим... // Шўро. Оренбург. 1915 й. 9-сон. – 287-288-б. “Умид” сарлавҳали шеъри ва “Ўш” мақоласи / ЎзАС. 2000 й. 1 январь.
9. Фидойи Т. Чўлпоннинг журналистик фаолиятига бир назар. – Т.: Ўзбекистон, 1991.
10. Чўлпон. Ватанимиз Туркистонда зироат ва деҳқончилик. /Қайта нашр: Миллий тикланиш. 1997. 3 июнь. Нашрга тайёрловчи: Э.Умаров.
11. Чўлпон А. Гўзал Туркистон. Шеърлар. Нашрга тайёрловчи: Б.Дўстқораев. – Т.: Маънавият, 1997. – 280 б.
12. Чўлпон А. Асарлар. 4 жилдлик. 2-ж. Нашрга тайёрловчи: Д.Куронов. – Тошкент: “Академнашр”, 2016. – 376 б.
13. Чўлпон А. Асарлар. 4 жилдлик. 4-ж. Нашрга тайёрловчи: Д.Неъматова. – Тошкент: “Академнашр”, 2016. – 320 б.
14. Куронов Д. Чўлпоннинг ҳаёти ва ижодий мероси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997. – 80 б.
15. [www.historybiz.ru>vyход-pervogo-nomera](http://www.historybiz.ru/vyход-pervogo-nomera). «Вакыт» («Время») в Оренбурге.
16. وقت. Вақт. 1914 йил, 23 май (№1492) сон. Чўлпон. “Адабиёт кечаси”.
17. وقت. Вақт. 1915 йил, 15 июль (№1822) сон. Чўлпон. “Туркистонда тартибли мактаблар”.